

10-1-2019

## THEORETICAL AND PRACTICAL ASPECTS OF THE FORMATION OF PRIVATE BANKS' RESOURCE BASE

R. Qurbonov

*Tashkent Financial institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Qurbonov, R. (2019) "THEORETICAL AND PRACTICAL ASPECTS OF THE FORMATION OF PRIVATE BANKS' RESOURCE BASE," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 5 , Article 7.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss5/7>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## **THEORETICAL AND PRACTICAL ASPECTS OF THE FORMATION OF PRIVATE BANKS' RESOURCE BASE**

In the article, the resource base of private banks, the capacity, dynamics and the structure of the resource base are analyzed and given corresponding conclusions

**Key words:** private banks, resource base, deposit, capital, non-deposit funds, own funds, asset and loan.

The fundamental goal of the reforms in the banking and financial system of the country is strengthening the resource base of commercial banks of the republic and increasing the confidence of business entities and the population in the banking system. The ongoing reforms have a positive impact on the quality and resource base of the banking system.

As a result, in the condition of deepening market reforms in Uzbekistan, there are many vital issues related to the formation, placement and improvement of commercial banks' resources. Improving the quality of the resources of commercial banks is important in fields such as ensuring their liquidity and stability of the national currency, increasing the volume of export-oriented competitive goods and services in the country, and enhancing public confidence in the banking system.

During the years of the independence, a two-tier banking system has been formed and it is continuing to develop in the country, significant changes are taking place in the qualities and forms of banking services as well as the establishment and improvement of cooperation with foreign banks. However, some issues related to the efficient usage of resources by banks and strengthening the resource base have still remained relevant [1].

On these days, 70% of bank deposits are short-term and 90% of all loans are long-term loans. Banks now have to "pull their carts" themselves to attract resources. Only in this way, they will be able to become a financial institution with a modern management system, - said the President of the Republic of Uzbekistan in his own discourse.

Strengthening the resource base of banks will make a chance to fully satisfy the demand for long-term credit resources of the real sector of the economy. In particular, the fundamental goal of the reforms in the banking and financial system of the country is strengthening the resource base of commercial banks in the country and increasing the confidence of business entities and the population in the banking system.

In accordance with this, definition the tasks such as deepening banking system reform, increasing its resource base, strengthening its financial stability and reliability in the Strategy for Further Development of the Republic of Uzbekistan, approved by the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017, No. 4947 indicates the importance of the theme of this article.

Resource Theories were first researched by such classical economists as E. Perouz, B. Wernerfelt, R. Ramelt, D. Tis, J. Barney, M. Peters, K. Conner, K. Prahalad, G. Clnerner, and others in their scientific research. At the beginning of the 21st century, it has become a powerful intellectual influencer, which includes the methodology of economic analysis and the management of economic knowledge in

different conditions. The term “resource” is derived from the French word "resource", which means money, auxiliary funds, opportunities, resources, resources and opportunities, sources of income, raw materials.

The resource conception (resource-based view (RBV) in English economic literature. It is called the "resource concept" in fundamental monography by V.S.Catkalo) is a view based on strategic relationship between the internal and the external status (in many ways, this status can be expressed with various ratings, advantages, the indicators of competitiveness, the market capability of subject, investment attraction, market-share rates, quantity, efficiency, profitability and other indicators) of a business entity in a multidisciplinary market economy conditions.

As we study the theoretical sources and economic analyzes of theoretical sources written by foreign economists, we find that there is a great attention to the concept of "banking resources". For example, “the Commercial Banking” published by E. Reid, R. Kotter, E. Pill, and R. Smith, shows a bank balance in a gathered form and we find the fact that there is a personal attention to the sources of funds and the passive operations of commercial banks.

Another group of economists, such as D.Folfreman and F.Ford, considered bank resources to be bank liabilities when analyzing banking activity and suggested that they consisted of shareholders' funds and funds of the bank. Obviously, foreign authors have focused more on banks' passives than expressing banks' resources via their own views and identifying opportunities of their usage.

According to the Russian scientist O.I.Lavrushin, the bank resource or “bank resource base” is the sum of its own and attracted resources at the disposal of the bank, which is used to carry out active operations [8]. In addition, the author emphasizes the efficient organization of the resource base of commercial banks, focusing on the capital and its optimal structure. Therefore, when describing the nature of the banks' resources, it is necessary to consider not only the sources of their resources, but also the importance of these funds for targeted activities of banks and their effectiveness. Another economist of our republic A.A.Omonov commented on the resources of commercial banks in his research: "The resources of commercial banks are the financial value created by attracting free funds in the economy and the formation of private capital (capital) in certain conditions". In the tutorial called "Banking", co-authored by U.U.Azizov, T.M.Karaliev and others: "Resource base of commercial banks is divided into several parts by types of resources allocated by the bank's own resources, resources equated to them and attracted funds".

In our opinion, it is essential to pay special attention to the sources of formation in the definition of the resources of commercial banks should pay special attention to the sources of their formation as the formation of banking resources and resource base in market conditions, that is, the search for their sources, is becoming a priority task.

The resource base of private banks is the total amount of borrowed and attracted funds of the bank on the condition of return on the free funds of legal entities and private persons, which are used for their own sources of resources, as well as for carrying out active operations with the purpose of earning income and maintaining the balance sheet liquidity.

**Р.Б.Қурбонов – ТМИ мустақил изланувчиси**

## **ХУСУСИЙ БАНКЛАР РЕСУРС БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

Ушбу мақолада хусусий банкларининг ресурс базаси, уларнинг ҳажми ва динамикаси, ресурс базасининг таркиби ва тузилиши таҳлил қилинган ва уларга тегишли хулосалар берилган.

**Таянч сўзлар;** хусусий банклар, ресурс база, капитал, депозит, нодепозит маблағлар, ўз маблағлари, актив, кредит.

## **ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ УКРЕПЛЕНИЯ РЕСУРСНОЙ БАЗЫ ЧАСТНЫХ БАНКОВ**

В статье анализируются ресурсная база частных банков, их объём и динамика, структура ресурсной базы и даются соответствующие заключения

**Ключевые слова:** частных банков, ресурсная база, капитал, депозит, не депозитные средства, собственные средства, актив и кредит.

### **Кириш**

Мамлакатимиз банк-молия тизимида олиб борилган туб ислохотларнинг пировард мақсади ҳам республикамиз тижорат банклари ресурс базасини мустаҳкамлашга, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини оширишга қаратилган. Олиб борилаётган ислохотлар банк тизими ресурс базаси ва унинг сифатига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Бунинг натижасида эса Ўзбекистонда бозор ислохотларининг тобора чуқурлашуви шароитида тижорат банклари ресурсларини шакллантириш, жойлаштириш ва уларни сифатини ошириш билан боғлиқ долзарб масалалар ҳам кўпаймоқда. Тижорат банклари ресурсларини сифатини ошириш уларнинг ликвидлигини таъминлаш ва миллий валюта барқарорлигини оширишда, мамлакатда экспортга йўналтирилган рақобатбардош товарлар ва хизматлар ҳажмини кўпайтиришда, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йиллари республикамизда икки поғонали мукамал банк тизими шаклланди ва ривожланмоқда, банкларнинг хизмат турлари ҳамда сифатида жиддий ўзгаришлар юз бермоқда, чет эл банклари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди ва такомиллашиб бормоқда. Бироқ банклар ресурслардан самарали фойдаланиши ҳамда ресурс базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ айрим масалалар долзарблигича қолмоқда.

Шу ўринда банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс

базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш йўлидаги муҳим қадам бўлди[1].

Давлатимиз раҳбари ўз маърузаларида “бугунги кунда банкларга қўйилган депозитларнинг 70 фоизи қисқа муддатли бўлгани ҳолда, кредитларнинг 90 фоизи узоқ муддатга берилган. Энди банклар ресурс жалб этиш бўйича “ўз аравасини ўзи тортиши” керак. Шундагина бозор шароитига мос, замонавий бошқарув тизимига эга молиявий институтга айлана олади”[2], – деб таъкидлаганлар.

Банклар ресурс базасининг мустаҳкамланиб бориши иқтисодиётнинг реал секторини узоқ муддатли кредит ресурсларига бўлган талабини тўлақонли қондирилишига замин яратади. Хусусан, мамлакатимиз банк-молия тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг пировард мақсади ҳам республикамиз тижорат банклари ресурс базасини мустаҳкамлашга, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини оширишга қаратилган. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш, ресурс базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаш вазифалари[3] белгилаб қўйилганлиги мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Иқтисодий субъект фаолиятининг ресурс (ресурс базаси) тушунчасига асосланган тадқиқотини олиб бориш ва унинг назарий асосларини тадқиқ этишда асосан қайси йўналишларга эътибор қаратиш керак эканлиги муҳим аҳамият касб этади. Бунда илк қадам бўлиб, авваламбор “ресурс” ёки “ресурс базаси” каби тушунчалар хусусидаги назарияларни тўлиқ шакллантириб олиш, сўнгра эса, шакллантирилган хулосалар асосида тижорат банклари ресурс базаси мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган назарий қарашларни шакллантириш ҳамда баён қилиш имкони пайдо бўлади. Чунки, иқтисодий билимларда “ресурс” ёки “ресурс базаси” каби тушунчалар асосан стратегик менежментга тегишли бўлиб ҳисобланади.

Ресурс хусусидаги назариялар дастлаб классик иқтисодчилар Э.Пероуз, Б.Вернерфельт, Р.Рамелт, Д.Тис, Дж.Барни, М.Петераф, К.Коннер, К.Прахалад, Г.Клейнер ва бошқа олимларнинг илмий изланмаларида чуқур тадқиқ этилиб, XXI аср бошларида иқтисодий таҳлил методологияси ва турли мақсадлар шароитида иқтисодий билимларни бошқаришни ўзида қамраб олган кучли интеллектуал оқимга айланди. Ресурс - французча «ressource» сўзидан олинган бўлиб, пул маблағлари, ёрдамчи маблағ, имконият, захира, маблағ ва имкониятлар манбаи, даромадлар манбаи, хом-ашё деган маъноларни ўзида мужассамлаштиради. Ресурс тушунчаси (инглиз тили иқтисодий адабиётларида *resource-based view (RBV)* В.С. Катъкалонинг фундаментал монографиясида “ресурс концепцияси” деб номланади) кўп укладли бозор иқтисодиёти

шароитида хўжалик юритувчи субъектнинг ташқи ҳолати (турли вазиятларда бундай ҳолат турли хил рейтинглар, афзалликлар, рақобатбардошлилик кўрсаткичлари, субъектнинг “бозор салоҳияти”, инвестицион жозибadorлик, бозор улуши кўрсаткичлари, қиймат, самарадорлик, рентабеллик ва бошқа кўрсаткичлар билан ифодаланиши мумкин) унинг ички ҳолати билан стратегик боғлиқлигига асосланганлиги тўғрисидаги қараш бўлиб ҳисобланади [4].

Умуман олганда, хорижлик муаллифлар банк ресурсларини ўз қарашлари орқали ифодалаб уларнинг шаклланиши ва улардан фойдаланиш имкониятларини аниқлашдан кўра, банкларнинг пассивларига кенгроқ эътибор беришган. Бу ҳолатни бир жиҳатдан ижобий баҳолаш мумкин, яъни хорижий банклар фаолиятида авваламбор, банкларнинг мажбуриятлари ва уларнинг бажарилиши, бизнинг фикримизча, асосий вазифа қилиб белгилаб олинган.

Хорижий иқтисодчи олимлар томонидан ёзилган назарий манбалар ҳамда амалиётчилар иқтисодий таҳлилларини ўрганар эканмиз, шу нарсага амин бўлдики, «банк ресурслари» тушунчасига катта эътибор берилган. Масалан, Э.Рид, Р.Коттер, Э.Пилл ва Р.Смитларнинг муаллифлиги остида чоп қилинган «Коммерческие банки» китобида банк балансини гуруҳлаштирилган ҳолда кўриш мумкин [5]. Демак бунда пул маблағларининг манбаларига алоҳида эътибор берилганлиги ҳамда уларни тадқиқ этишда банкларнинг пассив операцияларини чуқур таҳлил қилиш зарурлиги уқтирилганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Яна бир гуруҳ Д.Полфреман ва Ф.Форд каби иқтисодчи олимлар банк фаолиятини таҳлил қилишда банк ресурсларини банк пассивлари деб кўриб чиқишган ҳамда улар банк акционерлари маблағлари ва жамғармачиларининг маблағларидан ташкил топган, деган фикрни билдиришган[6].

Бизнинг фикримизча, банк пассивлари банк ресурсларини ташкил қилиш манбаи бўлиб, уларнинг ҳажми бир неча омилларга боғлиқ:

- банкларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган фаолияти;
- пул-кредит сиёсатини бошқариш соҳасидаги Марказий банкнинг сиёсати;
- банкнинг жалб қилинган маблағлари ва уларнинг таркиби;
- банк томонидан Марказий банкка ўтказиладиган мажбурий захира миқдори;
- бошқа пассивлар.

Россиялик олим О.И.Лаврушиннинг фикрига кўра, банк ресурси ёки «банкларнинг ресурс базаси» банкнинг ихтиёрида бўлган ўз ва жалб қилинган ресурсларининг йиғиндиси бўлиб, у актив операцияларини амалга оширишда ишлатилади[7]. Бундан ташқари, муаллиф томонидан тижорат банклари ресурс базасини самарали ташкил этишда асосий урғу ўз капитали ва унинг мақбул таркибий тузилишига қаратилган [8]. Шу боисдан банклар ресурслари моҳиятини таърифлаганда нафақат уларнинг қайси манбалар ҳисобидан ташкил қилинганлигини эътиборга олиш, балки у маблағлар банкнинг мақсадли фаолияти учун зарур ва муҳимлигини ҳамда уларнинг самарадорлигига эришишни ҳам кўзда тутиш лозим.

Республикаимиз иқтисодчи олимларидан А.А.Омонов ўз илмий

тадқиқотларида тижорат банклари ресурслари тўғрисида қуйидагича фикр билдирган: “Тижорат банклари ресурслари – маълум шартлар асосида иқтисодиётдаги бўш пул маблағларини жалб қилиш ва хусусий маблағлар (капитал)ни шакллантириш ҳисобига ташкил топган молиявий қийматдир”[9].

У.Ў.Азизов, Т.М.Қоралиев ва бошқалар ҳаммуаллифлигида нашр этилган “Банк иши” номли дарслигида “Тижорат банкларининг ресурс базасини ресурсларнинг турлари бўйича банкнинг ўз маблағлари, уларга тенглаштирилган маблағлар ҳамда жалб қилинган маблағларга ажратилган [10]. Фикримизча, юқоридаги олимларимиз томонидан банк ресурс базаси хусусидаги қарашларида ўз маблағларига тенглаштирилган маблағлар таркибини кенгроқ ёритиб бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Маҳаллий олимларимиздан У.Д.Ортиқов банк ресурслари тўғрисида шундай фикр билдирган: “банк ресурслари - бу банк сиёсати доирасида банк фаолиятини амалга ошириш учун ишлатилиши мумкин бўлган, банкнинг ўз маблағларидан ва жалб қилинган маблағларидан ташкил топган, банкнинг даромад олишга асос бўлувчи заҳира ва имкониятларнинг йиғиндисидир” [11]. Бизнинг фикримизча, тижорат банкларининг ресурслари ва ресурс базасига бериладиган таърифларда уларнинг шаклланиш манбасига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки бозор муносабатлари шароитида банк ресурслари ва ресурс базасини шакллантириш, яъни уларнинг манбаларини излаб топиш бирламчи вазифага айланиб бормоқда.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, айнан хусусий банкларнинг ресурс базаси хусусида қуйидагича муаллифлик ёндашувини ишлаб чиқдик. *Хусусий банкларнинг ресурс базаси* -ўз маблағлар манбалари, бундан ташқари, даромад олиш ва баланс ликвидлигини сақлаш мақсадида актив операцияларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиладиган юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағлари ҳисобига қайтарилишлик шарт билан банк томонидан жалб қилинадиган қарз ва жалб қилинган маблағлари йиғиндисидир.

### **Таҳлил ва натижалар**

Хусусий банкларнинг ресурс базасини шакллантириш нафақат янги миқозларни жалб этиш, балки ресурслар манбалари тузилмасини доимий равишда ўзгартириб туришни ҳам ўз ичига олган ҳолда, банк активлари ва пасивларидан оқилона фойдаланишнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Ўз навбатида жамғариш усулларида кўра жалб қилинган маблағларни депозит ва нодепозит манбалар маблағларига бўлинади. Тадқиқотчи А.Раҳимов фикрича, тижорат банклари депозит маблағларини кенгайтиришда банк депозит операцияларини ривожлантириш зарур ҳисобланади. Тижорат банклари депозит операциялари – банк ва миқоз ўртасида тузилган шартномага асосан муайян мақсадларда банкка пул маблағларини жалб қилиш ва уларни сақлаш билан боғлиқ операциялардир[12].


Банк маблағлари нодепозит манбаларининг депозитлардан фарқи шундаки, биринчидан улар шахс бўлмаган характерга эга, яъни маълум бир миқоз билан боғлиқ бўлмаган, аксинча бозорда рақобатчилик асосида воситачилар орқали

сотиб олинади ва иккинчидан, жалб қилиш ташаббуси банкнинг ўзига тегишли бўлади.



**1-расм. Хусусий банкларнинг ресурс базасини шакллантириш механизми.**

Нодепозит манбалар асосан шакллантирилган молиявий марказларда жойлашган ва молиявий бозор инструментларидан фойдаланиш имконига эга бўлган йирик банклар томонидан кенг фойдаланилади. Юқоридаги расм маълумотларига қарайдиган бўлсак, уларнинг ресурс базаси иккитага ажратилгандир. Ҳозирги кунда хусусий банклар асосан ўз ресурс базасини ўз маблағлари ва депозит маблағлари ҳисобидан ташкил қилмоқда. Нодепозит маблағларини шакллантириш билан эса хусусий банкларда етарлича муаммолар мавжуд.



**2-расм. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хусусий банкларнинг сони ва уларнинг ресурс базасини ҳажми динамикаси (млрд.сўм). [13]**

Юқоридаги расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, Республикамизда фаолият юритаётган барча хусусий банкларнинг сони йиллар



давомида камаётганини кўришимиз мумкин. 2019 йил 1 январь ҳолатига 30 та тижорат банкдан бор йўғи 6 таси хусусий банкларни ташкил этгани банк тизимида хусусий капиталнинг ўрни нечоғли оғриқли ҳолат эканлигини кўришимиз мумкин.

Шундай бўлсада, охириги 5 йилда хусусий банкларнинг ресурс базаси мустақамлашиб, 2014 йилда 2182 млрд.сўмдан 2018 йилга келиб эса 8641 млрд.сўмгача ўсиб, 5 йил давомида хусусий банкларнинг жами ресурс базаси 3 баробарга ошган. Буни қуйидаги жадвалда ҳам кўришимиз мумкин.

### 1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси хусусий банкларининг ресурс базасини таркиби таҳлили [13]


| Кўрсаткичлар              | 2014        |            | 2015        |            | 2016        |            | 2017        |            | 2018        |            |
|---------------------------|-------------|------------|-------------|------------|-------------|------------|-------------|------------|-------------|------------|
|                           | млрд. сўм   | %          | млрд. сўм   | %          | млрд. сўм   | %          | млрд. сўм   | %          | млрд. сўм   | %          |
| Ўз маблағлари             | 290         | 13,3       | 476         | 18,5       | 514         | 12,7       | 924         | 12,3       | 1403        | 16,2       |
| Жалб қилинган маблағлар   | 1892        | 86,7       | 2092        | 81,5       | 3544        | 87,3       | 6573        | 87,7       | 7238        | 83,8       |
| <b>Жами ресурс базаси</b> | <b>2182</b> | <b>100</b> | <b>2568</b> | <b>100</b> | <b>4058</b> | <b>100</b> | <b>7497</b> | <b>100</b> | <b>8641</b> | <b>100</b> |

1-жадвал маълумотларидан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, хусусий банклар ресурс базаси ҳажми 2014 йилга нисбатан 2018 йилда 6459 млрд.сўмга ёки 3,0 баробарга ошган. Ушбу ўзгаришга жалб қилинган маблағлар ҳажмининг 5346 млрд.сўмга ва ўз маблағларини 1113 млрд.сўмга ўсиши ҳисобига таъминланган. Хусусий банкларнинг ресурс базасини ҳажм жиҳатидан кўпайишини ижобий баҳолаган ҳолда, таҳлил қилинаётган даврда хусусий банкларнинг ресурс базаси нисбий тузилишида ўзгаришлар ўз маблағлари салмоғи 2014 йилда 13,3 %дан 2018 йилда 16,2% гача ўсиши ва бир вақтнинг ўзида жалб қилинган маблағлар улуши эса аксинча, 2014 йилда 86,7 %дан 2018 йилда 83,8 % гача қисқариши сабабли кузатилган. Бу ҳолатни ҳам ижобий баҳолашимиз керак ҳисобланади. Сабаби банкларнинг ўз маблағларининг жамидаги улуши қанчалик ошиши банкнинг мустақиллигини шунчалак мустақамлайди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорининг [14] қабул қилиниши ҳам хусусий банкларнинг ўз маблағларини кескин ошишига туртки бўлди. Қарорда банк тизимининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган асосий вазифалардан бири сифатида республикамизда фаолият юритиб келаётган барча банклар 2019 йил 1 январгача устав капиталининг энг кам миқдорини 100 млрд. сўм қилиб белгиланди.

Юқоридаги амалга оширилган ислохотларга қарамасдан, ҳозирги даврда республикамиз хусусий банкларнинг ресурс базаси ва умумий капитали банк секторининг жами умумий капитал ҳажмидаги салмоғи паслигича қолмоқда.

Хусусий банкларнинг жами ресурс базаси барча тижорат банклардаги улуши бор йўғи 4 %ни ва ўз маблағларини эса 5,3 %ни ташкил этишини ижобий баҳолаб бўлмайди[13].

Хусусий банклар ресурс базасини таҳлил қилинганда, унинг таркибини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.



**3-расм. Ўзбекистон Республикаси хусусий банкларининг ресурс базасини тузилиши (01.01.2019 йил ҳолатига фоизда) [13].**

Расм маълумотларидан кўришиб турибдики, хусусий банкларнинг ресурс базасини таркибида 2018 йилда асосий улушни мижозларнинг маблағлари ташкил этмоқда. Унинг улуши 66,5 %ни ташкил этган. Ундан кейин катта солмоққа эга ресурслар бошқа қарз маблағлари ва устав капитали эгаллаган. Уларнинг улуши мос равишда 10,5 ва 9,7 %ни ташкил этмоқда. 2019 йил 1 январь ҳолатига хусусий банкларнинг нодепозит маблағларининг ресурс базаси тузилишидаги улуши 17,3% ни ташкил этиб, унинг асосий қисмини бошқа қарз маблағлари (10,5%) ташкил этган. Афсуски, хусусий банкларнинг нодепозит операцияларнинг таркибидаги чиқарилган қарз қимматли қоғозлари ва захира капиталининг улуши умуман йўқ ҳисоб. Улар мос равишда 0,01% ва 0,1%ни ташкил этиши хусусий банкларнинг қўшимча капитали етарли даражада шаклланмаётганидан далолат беради. Бундан кўринадики, хусусий банкларнинг ресурс базасини тузилишини оптималлаштиришга алоҳида эътибор қаратишлар керак.

#### **Хулоса ва таклифлар**

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, тижорат банкларининг иқтисодиётдаги бўш пул маблағларни етарли даражада жалб этиши ва ушбу маблағларни самарали жойлаштиришни бошқариш ҳозирги кунда уларнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби, Ўзбекистонда

бозор муносабатларининг тобора чуқурлашуви ва иқтисодийнинг янада эркинлаштирилиши натижасида тижорат банклари ўртасида молиявий ресурсларга бўлган талабнинг янада кучайганлигидандир. Натижада, банкларнинг арзон ва муддати жиҳатдан “узун” маблағларга бўлган эҳтиёжининг ортиб бориши ресурс базаларни шакллантириш ва уларни самарали бошқариш муҳим масалалардан бири бўлиб қолди. Мазкур ҳолат мамлакат миқёсида мавжуд бўлган вақтинча бўш пул маблағларни банклар ўртасида “тақсимлаш”да ва молия бозоридан қўшимча ресурсларни жалб этишда банклар ўртасидаги эркин рақобатни кучайишига ижобий самара кўрсатмоқда.

Юқоридаги тадқиқ ва таҳлиллар асосида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Хусусий банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш учун қўшимча капиталининг ҳажмини ошириш керак.

Бунинг учун, биринчидан, хусусий банкларда субординациялашган қарз мажбуриятларининг чиқариш керак. Иккинчидан, хусусий банклар қошида кредит муассасалари очиш амалиётининг такомиллаштириш керак.

Ривожланган мамлакатларнинг банк амалиётида хусусий банклар қошида траст, лизинг, факторинг ва форфейтинг компаниялари каби кредит муассасаларини очиш кенг тарқалган. Бунинг натижасида уларнинг актив операцияларини ривожлантириш имкони юзага келади ҳамда қўшимча капитали миқдори ошади.

2. Хусусий банклар ресурс базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида бозор воситалари ва механизмларидан самарали фойдаланиш керак. Бунинг учун, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда омонатлар ва депозитларнинг янги турларини мунтазам жорий этиб бориш, муомалага узоқ муддатли облигациялар, депозит сертификатлари ва бошқа қимматли қоғозлар чиқаришга, шунингдек, субординанланган қарзларни фаол жалб этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштириш зарур.

3. Хусусий банклар акцияларини иккиламчи қимматли қоғозлар бозорида кенг кўламда олди-сотди қилинишини таъминлаш лозим. Бунинг учун аввало тижорат банклари томонидан оддий акцияларга тўланадиган дивидендлар даражасини инвесторлар манфаатига мақбул келадиган даражага етказиш лозим. Бунда ҳукуматнинг қисқа муддатли облигацияларга тўланадиган фоизлардан асос сифатида фойдаланиш, инвесторларнинг банк акцияларига қилган қўйилмалари ва улардан оладиган даромадларига инфляция даражаси ва валюта курси таъсирини ҳисобга олиш зарур. Кўпгина тижорат банклари устав капиталини ошириш мақсадида соф фойдани асосий қисмининг бир неча йил кетма-кет капиталлаштиришлари уларнинг тўлайдиган дивидендларини камайишига олиб келмоқда. Соф фойданинг капиталлаштирилишида капитални шакллантириш матрицасидан фойдаланиш ва дивидендларнинг доимий ўсиш тенденциясини ушлаб туриш лозим. Акс ҳолда иккиламчи қимматли қоғозлар бозорида акцияларга бўлган барқарор талабни юзага келтириш ва банк акцияларининг бозор баҳосини аниқлаш имкони бўлмайди.

Ўйлаймизки, юқоридаги таклифларнинг амалиётга жорий этилиши мамлакатимиз хусусий банкларнинг ресурс базасини тўғри шаклланишига ҳамда бунинг натижасида хусусий банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2344-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 18-сон, 217-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 25 октябрдаги “Банк тизимини ислоҳ қилиш ва банкларнинг инвестициявий фаоллигини ошириш борасидаги устувор вазифаларига бағишланган йиғилиши”даги маърузаси. [www.prezident.uz](http://www.prezident.uz)
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони//lex.uz.
4. Катъало В.С. Эволюция теории стратегического управления. -Высшая школа менеджмента СПбГУ.- 3-е изд.-СПб.:Издательство «Высшая школа менеджмента»; Издат.дом С.Петербур.-гос.ун-та.-2011.-С.548.
5. Рид Э., Коттер Р., Пилл Э. ва Смит Р. «Коммерческие банки» перевод с англ. М. Космополис 1991г. стр.-16
6. Полфреман Д., Форд Ф. Основы банковского дело. Перевод с англ. Москва инфра 1996 г. стр.-102.
7. Лаврушин О.И. Банковское дело. 9-е изд., М.: КРОНУС, 2011г. с.201
8. Лаврушин О.И. Роль кредита и модернизация деятельности банков в сфере кредитования. -Монография / коллектив авторов. -М.: КНОРУС, 2012-с.117-118.
9. Омонов А.А.“Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари” Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент – 2008 й. 8 б.
10. Азизов У.Ў., Қоралиев Т.М. ва бошқалар Банк иши Дарслик. Т.: “Iqtisod-Moliya” 2016 124 б.
11. Ортиқов У.Д. “Банк ресурслари ва уларни бошқариш” Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент – 2008 й. 7 б.
12. Раҳимов А.М. “Тижорат банклари депозит операцияларининг назарий ва амалий жиҳатлари хусусида” Халқаро молия ва ҳисоб илмий электрон журнал. №2, апрель, 2019 й
13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки статистик маълумотлари. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва

барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори –  
Тошкент, 2017. – № 37. – 27-б.